# «ПЕДАГОГИКА МАСАЛАЛАРИ ВА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР БЎЙИЧА МАЪРУЗА МАТНЛАРИ»

**Педагогика масалалари ва педагогик технологиялар бўйича ўкув мавзу режа**

**(12 кунлик)**

| № | Мавзулар | Маъруза | Семинар | Амалиёт | Жами |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Таълим устуворлиги | | 2 | | 2 |
| 2. | Миллий истиқлол \ояси педагогика фанининг бош методологик асоси сифатида | 2 | - | - | 2 |
| 3. | Таълимни ривожланти-ришнинг янги босқичида педагогик технология-ларнинг мощияти ва муаммолари | 2 | | | 2 |
| 4. | Педагогик технологияларнинг дидактик масалалари | 2 | | | 2 |
| 5. | Таълимни технология-лаштиришда ўқитувчи-нинг ўрни ва роли | | | 2 | 2 |
| | Жами: | 6 | 2 | 2 | 10 |

# ***ТАЪЛИМ  УСТИВОРЛИГИ.***

2 соат  семинар.

**Максад:**

«Таълим тугрисида» ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» хакидаги маълумотларини кенгайтириш.

Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг «2004-2009-йилаларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» тугрисидаги фармони хамда Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тугрисида» ги Карори хакидаги тушунчаларини чукурлаштириш.

Таълим тарбия сохасидаги меъёрий хужжатларни билиш ва уларни уз фаолиятида куллай олиш;

**Натижа**:

Таълим тарбия сохасидаги меъёрий хужжатларни педогагик фаолиятларида куллай оладилар.

**Режа:**

1. Ўзбекистон Республикаси таълим тизими таррарийёти тарихи.
2. 1997-й 29 август Олий Мажлиснинг IX сессиясида И.Каримов томонидан таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислох килиш ассосларини ёритилиши.
3. Таълимни ислох килиш жараёнида укитувчи,тарбиячининг урни роли.
4. Комил инсон тарбиясида укитувчини бош вазифаси.
5. Таълим устуворлиги.
6. Узбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узликсиздир.
7. Таълим сохасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.
8. Таълим сохасини исслох килишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»
9. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Миллий моделини хаётга татбик этишнинг ахамияти.
10. Миллий дастурда шахснинг урни ва роли.
11. Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлашнинг асосидир.
12. Миллий дастур асосида укитувчининг асосий хизмат вазифалари ва унинг шахсига куйиладиган талаблар.
13. Таълимни ислох килишнинг хозирги боскичидаги энг мухим вазифалари.
14. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг асосий йуналишлари.

**Таянч  тушунчалар**

Таълимни миллийлаштириш, «Таълим тугрисидаги Конун», «Кадрлар тайёррлаш миллий дастур», Миллий модел, шахс давлат ва жамият узлуксиз таълим.

**АДАБИЁТЛАР**

И.А.Каримов «Баркамол авлод Узбекистон тарракиётининг пойдевори» Тошкент 1997 йил.

И. А. Каримов «Узбекистон буюк келажак сари». Тошкент .1998.

Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» тугрисида. Маърифат 2004 й. 21 май. Узбекистон Республикаси Вазирлар Мхкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалаг ошириш чора тадбирлари тугрисида» ги Карори.

Баркамол авлод орзуси «Нашр учун маъсул Т.Рискиев» Тошкент шаркю 1999 йил.

Ж.Г. Йулдошев «Таълим янгилаш йулида». Тошкент Укит. 2000.

Таълим тараккиёти ахборотномаси. 1998 –2004. 2005-йил 2-3-4сонлари.

***МИЛЛИЙ ИСТИКЛОЛ ГОЯСИ ПЕДАГОГИКА ФАНИНИНГ БОШ МЕТОДОЛОГИК АСОСИ СИФАТИДА.***

2соат маъруза

**Максад:**

Таълим муассасаларида Миллий истиклол мавкурасининг бош гояси ва асосий гояларини ўкувчи ёшлар онгига ва калбига сингдиришнинг педагогик шарт - шароитлари хакидаги тушунчаларини чукурлаштириш.

**Натижа:**

Таълим муассасаларида Миллий истиклол мавкурасининг бош гояси ва асосий гояларини ўкувчи ёшлар онгига ва калбига сингдиришнинг педагогик шарт - шароитлари хакида тушунчага эга бўладилар.

**Режа:**

1. Миллий истиклол гояси педагогика фанининг бош методологик асоси сифатида.
2. Тарбия услублари, тамойиллари, воситалари.

**Таянч тушунчалар.**

Гоя, истиклол мафкураси, миллий гоя, мавкуравий тарбия, тамойиллар асосий гоялар, ватанпарварлик, тарбия услублари, тарбия тамоийлари.

**Адабиётлар:**

И.А.Каримов «Истиклол ва маънавият» Тошкент Ўзбекистон 1994 йил.
И.А.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсагасида хавсизликка тахдид, баркарорлик пойдеври ва тараккийёт кафолатлари» Тошкент Шарк 1997 йил.
И.А.Каримов «Биздан озод ва обод Ватан колсин» Т. Узбекистон 1996й.
И.А.Каримов «Узбекистон буюк келажак сари» Т. Узбекистон 1998й.
И.А.Каримов «Озод ва обод Ватан, эркин ва фарован хаёт пировард максадимиз» Т. Узбекистон 2002й.
«Миллий истиклол гояси. Асосий тушунча ва тамойилар» Т. Узбекистон 2001й.

Ватанимизнинг уз мустакиллигини кулга киритгач, одамлар онгини хукукий демократик давлат, эркин фукоролик жамиятни барпо этиш каби максардларимизга биноан узгартириш. Халкимиз маънавиятини юксалтириш бунинг учун эса мустакил таракиёт тушунчаларини акс этирилган, туб манфаатларимизга жавоб берадиган миллий гоя зарурлиги аён булди.

Президентимиз И. Каримов уз асарларида бу масалаларнинг долзарблиги жамият – хаётидаги урни ва ахамиятини хар жихатдан асослаб берди. Мустакиллик йулидаги тажриба асасида инсон, жамият, гоя ва мавкурасиз яшвй олмаслигини курсатсди. Чунки одмнинг калби, онги узининг рухи ва купдан куп саволларга жавоб буладига доимий фаолиятга ундаб туадиган хат бахш гояга боимо эхтияж сезиб яшайди. Чунки табиатда, жамиятда булмагани кабих инсон калби ва онгида хам бушлик булмайди. Жамият хаётида соглом гоя устувор булиб турмаса одамларнинг калби ва онгини ёш зарарли гоялар эгаллаб, хар турмуш тарзини издан чикаради. Худди бунёнинг бойлиги турли кучлар уртасида талаш булганидек, инсонларнинг каби ва онгини эгаллаб, уларни уз кулидаги куколларига айлантириш максади хам жахонда хар хил тажавукор окимлар ва таълумотларни узаро курашга ундаши айникса, бугунги кунда яккол намоён булмокда.

Юртбошимиз бугунги тараккиётнинг мана шундай озига хос конуниятларни теран хис этиб, максадлар билан яшаётган халкимизнинг интилишларига мос келадиган миллий истикбол гояси тугрисида таълимотини яратди. Бу таълимот президентимиз асосларида асослаб берилган. Ана шу асарлар асосида 2000йилда «Миллий истиклол гояси, асосий тушунчалар ва тамойиллар» номли рисола тайёрланди ва чоп этилди.

Хозирги давирда миллий истиклол гоясининг асосий тушунча ва тамойинларни хаёт талаблари ва бугунги тараккиётимиз масалаларини эътиборга логан холда ургатиш, бойитиш, тушунтириш,таргиб этиш,ундаги билим ва карорларни тизими асасида янгича эътикод, дунёкараш асосларини шакилларини шакиллантириш нихоятда мухим.

Президентимиз И. Каримов миллий истиклол гояси ва мавкурасини максадини куйидагича тарифлаган: «Халкни буюк келажак ва улугвор максадлар сари бирлаштириш мамлакатимизда яшайдиган, миллий тили ва динидан катъи назар хар бир фураро ягона Ватан бахт – саодати учун доимо маъсулият сезиб яшашга чорлаш ва аждодларимизнинг бебахо – мероси, миллий кадрият ва анъаналаримизга муносиб булишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчанлик ишларига даъват килиш, шу мукаддас замин учун фидоийликни хаёт мезонига айлантириш – миллий истиклол мафкурасининг бош максадидир».

Узбекистоннинг мустакил тараккиёт стратегиясини, узбек халкининг буюк давлат барпо этиши борасидаги максад, миллий истиклол мафкурасининг махиятини кенг жамоатчиликка хар тамонлама тушунтириш долзарб вазифаларни биридир. Истиклол мафкурасини одомлар калби ва онгига синингдиришда жамият хаётнинг барча сохаларини камраб олиш, таълим – тарбия, таргибот ва ташвикотниниш самарали усул воситаларидан окилона фойдаланиш такозо этади.

Узбекистон халкининг миллий истиклол йулидаги бош гойаси халкимизнинг неча асрлик орзу армонлари, эзгу интилишлари,бунедкорлик фаолиятининг мано-мазмунини ифодалайди.У мустакил тарракиетимизнинг асосий максад-муддаоларини акс эттиргани учун хам халкимизни бирлаштирувчи байрок – бош гояга айланган.

Халкимиз мустакилликка эришганидан сонг буюк давлат барпо этишга киришди.Бу давлатнинг буюклиги.аввало,Ватаннинг озодлиги ва ободлиги,халкнинг Еркин ва фаровон хайети билан белгиланади.Озодлик барча демократик ёркинликларга эришишнинг,фукароларнинг жами хак-хукуклари кафолатланган ва таъминланган жамият барпо этишнинг бош шарти булса , мустакиллик миллий давлатчилик асосларини тиклаш хамда уни ривожлантиришнинг бош омилидир. Шунинг учун хам бош гоямизда «озодлик» сузи биринчи уринда туради.

Бу ватан мустакиллиги барча орзу интилишларимиз, Амалий фаолиятимиз ва ёруг келажагимиз асоси эканлигидан далолатдир.

Ватан озодлиги – аждодлармизнинг буюк армони булиб келган. Тумарис, Широк, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Абдумалик тура, Махмудхужа Бехбудий сингари жасру боболаримиз юрт озодлигини узларининг мукаддас эътикоди деб билган, бу йулда жонини фидо килишдан хам кайтмаган.

Мамлакатимиз XX аср сунгида президент Ислом Каримов рахбарлигида озодликка чикди ва уз миллий давлатчилигини кайта тиклаб, жахон хамжамиятидан муносиб урин эгаллади. Юртбошимиз ватан озодлигини уз хаётининг маъно мазмуни, бош максади деб билмокда. Шунинг учун хар кандай кийин шароитда халкимизни мустакиллик йулидан олга бошламокда.

«Биз учун мустакиллик, - деб таъкидлаган эди давлатимиз рахбари, - энг аввало, уз такдиримизни кулимизга олиш, узлигимизни англаш, миллий кадриятларни, урф одатларимизни тиклаш, хаммамиз учун муътабар шу заминда, хар бир хонадонда тинчлик-осоишталикни, баркарорликни саклашдир. Азиз ватанимизда адолат, инсоф, дину диёнат, мехр-окибатни карор топдиришдир.»

Ободлик эса давлатнинг кудратини билдиради. Сохибкирон Амир Темур бобомиз «Кимки кудратимизга шубха килса, биз курган биноларга карасин», деб халкимизнинг гайрат шижоати ва акл заковати билан барпо этилган бетакрор обидалар билан гурурлангани бежиз эмас.

Обод юртда файз-барака булади, одамлар орасида мехр-окибат хукм суради, илм-маърифат, маданият ривожланади. Бод юртнинг одамлари факат яхшилик хакида уйлайди.

Обод юртнинг Оллохнинг назари тушади. Шунинг учун хам президентимиз «Она ватанимиз Оллохнинг назари тушган мукаддас диёрдир», деб таъкидлаганлар.

Ободлик хам, озодлик сингари, халкимизнинг азалий орзусидир. Сиз укиган эртак кахрамонларининг бир-биридан гузал шахарларни куриши, богларида сув урнига шарбат окиб ётадиган, дарахтларида кишин-ёзин ларзон мевалар пишиб туради деган, одамлари уруш нелигини билмайдиган юртларни суйр этиши – бунинг тасдиги булла олади.

Истиклол йиллари юртимизни обод килиш халкимизнинг бош максадига айланди. Шахар ва кишлокларимиз чирой очди, улкан иншоотлар, замонавий корхоналар, богроглар барпо этилди, азиз авлиёларимизнинг муборак кадамжолари обод булди.

Ободончилик бунёдкорлик оркали амалга оширилади. Бунёдкорлик эса халкимизнинг азалий одатидир ота-боболаримиз хар йил бахорда кучат утказишни, ёзда уй-жойни созлаш, эскиси урнига янгисини барпо этишни доимий анъанага айлантирган. Шу боис бундай бунёдкор халкининг бош гоясида «ободлик» тушунчасининг булиши табиийдир.

Энди бош гоямиз таркибидаги иккинчи ибора – «эркин ва фаровон хаёт» изохига тухталайлик.

Эркинлик – инсон хаётининг мохиятидир. Яъни эркин булмаган кулик ва карамликда хаёт кечирган одам Тула конли инсон саналмайди. Чунки эркин булмаган одам узининг моддий ва маънавий эхтиёжларини кондира олмайди, узича фикр юритиб, узича фаолият курсата олмайди. Шунинг учун эркин хаёт азалдан инсониятнинг орзуси, юксак тараккиётнинг асосий шарти булиб келган.

Бугунги кунда биз эркин хаёт деганда, аввало, юртимиз мустакиллиги, демократик кадриятларнинг тулик карор топишини, Конституциямизда белгилаб берилган инсон хукукларининг тулик амал килишини, конун асосидаги онгли фаолиятни, юксак маънавиятнитушунамиз. Инсон кишилик жамияти тарихий тажрибани, билимларни бугунги замонавий тушунчаларни канча куп эгалласа, маънавияти канча юксалса, шунча эркин булади.

Эркинлик фаровонлик билан боглик тушунча. Яъни инсон эркин булмоги учун аввало у моддий таъминланиши зарур.

Фаровонлик деганда, иносн моддий этиёжларининг тулик кондирилишини таъминлайдиган хаёт даражасига айтилади.

Бу уринда хилкимизнинг «Аввал-иктисод, сунгра сиёсат» деган накли мос тушади. Бошкача айтганда, иктисодий шарт-шароит хар кандай хаётнинг негизи, пойдевори хисобланади. Жумладан эркин хаёт хам иктисодий тарккиётга асосланади.

Истиклолнинг асосий коидалари мустакил тараккитимизнинг бош коидасидан келиб чикади ва узининг маъно мохияти,фалсафаси,жозибаси билан уни халкимизнинг калби ва онгига чукуррок сингдиришга хизмат килади.

Миллий истиклол мафкурасининг асосий гоялари куйидагилардан иборат: Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халк фаровонлиги, комил инсон, ижтимоий хамкорлик, миллатлараро тотувлик, динлараро багрикенглик (толерантлик).

Асосий гоялар тизимида Ватан равнаки, юрт тинчлиги, халк фаровонлиги гоялари биринчи уринда туради. Бу бежиз эмас. Улар маъно-мохияти ва фалсафасига кура, аввало, жамиятимиз уз олдига куйган улугвор максад – муддаоларни яккол акс эттиради, бинобарин, бош гоямизни янада кучайтиради.

**Таълим – тарбия** – Миллий истиклол мафкурасини ёшлар калби ва онгига сингдириш таълим тарбиянинг турли шакиллари оркали амалга оширилади. Бунда куйидаги вазифаларни назарда тутиш лозим:

- таълим муассасаларида болалар ва талабаларнинг ёшига мос равишда миллий исткలол мафкурасини сингдиришнинг дифференциал педагогик – психологи дастурни яратиш;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида укувчи талабалар онгига миллий гоя миллий истиклол гоясини шакиллантири ишларини узлуксиз олиб бориш;

- Укув дастури, дарслик ва кулланмалардан миллий истиклол мафкурасини гояларини теран акс эттириш;
- Мактаб, лицей, коллеж, институт ва уневерситетларда мафруравий тарбияни бугунги кун талаблари даражасига котариш;
- Педагог кадирларнинг мафкура борасида билимларини чукурлаштириш;

Маълумки, педагогика фани тарьия ва таълимнинг инсон ривожи, шахс камоли ва мутахассис шакилланишида таълим тизими уз ичига олмайдиган этик, генетик, тарихийлик, мустакиллик, табиий экологик, рухий – хиссий билиш ривожланиш, комиллик омилларига суянади. Бундан ташкари педагогика фани олдига янгича фикирлаш, янгича тафаккур, миллик мавкуранинг кенг камровли сифатларини шакиллантириш вазифалари куйилади. Педагогика фанинг методологиясида, мазмунида тарбия назариясида, таълим назариясида, таълимнинг ташкилий шакилларида комиллик даражаси сифатларини аниклашда катта ислохия узгаришлар булди.

Президентимиз И.Каримов узларининг «Миллий мафкурамиз халкни халк миллатни миллат килишга хизмат килсин» номли маърузасида инсонни маънавий амалий шакилланишда хаётий жараённинг хамма жабхалари хомиятли эканлигини асослаб берди.

Мамлакатимиздаги ислохатлар педагогика фани олдига жуда катта муаммоларни куйди. Бу муаммолар энг аввало, миллий истиклол щароитида шахс тарбияси ролининг ортиб бораетганлигида куринади.

- Бу биринчидан, мамлакатимизда юз бераетган узгаришларнинг узига хос хусусиятлари, яъни узбек халкининг миллий рухияти ва турмуш тарзининг хамда бозор иктисодиетига утиш жараенининг таълим – тарбияга салбий еки ижобий маънодаги таъсирини хисобга олиш жуда мухим;
- Иккинчидан, инсон шахсини, шаклллантиришда тарбия устивор ахамиятга эга булиб, у таълим бериш жараенининг барча тамойилларини уз ичига камраб олади. Тарбиянинг устиворлиги хакидаги бугунги кун талаби эса бола шахсининг шаклланишида тарбиянинг урни муаммоси накадар долзарб эканлигини таказо этади;
- Учинчидан, бозор иктисодиётига утиш билан боглик булган бураккабликлардан келиб чикиб, ижтимоий хаётимизда юз бераётган айрим нохуш холатларнинг тарбиявий жараёнга салбий таъсирини тахлил килиб урганишни, уни бартараф этиш йулида муайян илмий хулосалар чикариб, амалиётда куллаш мумкин булган услубий тавсиялар ишлаб чикариш вазифаларини долхарб муаммо сифатида куяди;
- Туртинчидан, умумий тарбиявий жараёнда оилавий тарбия билан ижтимоий тарбиянинг узвий богликлигини таъминлайдиган, шунингдек мулкчиликка янгича муносабат, яъни мулдорлик туйгусини шакллантиришга каратилган, назарий умумлаштирилган, тавсиялар ишлаб чикариш лозим;
- Бешинчидан, хозирги янги тарихий вазият талабларидан келиб чикиб, мактаб, оила ва махаллалар уртасидаги тарбиявий муносабаларни уз ичига оладиган, илмий асосланган, миллий, диний, худудий, демократик хусусиятларни хисобга олган, тарбиянинг янгича мазмунини очиб берадиган концепция ишлаб чикариш зарур.

Мазкур куйилган муаммоларга янада кенгрок ва чукуррок ёндашадиган булсак, инсонни мавжудлиги унинг ривожланишини мукаррар эканлигини чукур ва теран англашга ургатадиган жамият тараккиётини амалга оширувчиларни етиштиришни тафаккур ва амалиётни узвий боглаб, уни максад сари йуналтируви, пировард натижада талим – тарбия жараёнининг сифат курсаткичларини белгилаб бера оладиган педагогика фанининг методологик асосларини яратиш деб уйлаймиз.

Умуман таълим – тарбия муаммолари инсоннинг билиши, шахснинг табиий ва ижтимоий жараёнларини англаб етиши билан боглик. Зеро, педагогика фани шахснинг хам ботиний, хам зохирий кобилиятларини намоён этишга шароит яратади ва уни фаоллаштириш имкониятини беради.

Мана шундай маъсулиятли вазифалар, хусусан педагогика фанининг бугунги кундаги долзарблигини янада оширади.

Мустакил Узбекистонда таълим – тарбия ишларининг тугри йулга куйилиши миллий ва умуинсоний кадриатларининг барча имкониятларидан тула ва самарали фойдаламишни такозо этади. Жахон маданиятининг миллий маънавиятимизга ижобий тасир килишини инкор килиб булмайди. Хусусан ёшларнинг илмий дунё карашини шакиллантиришдаги таъсирини.

Таълим – тарбия жараёнида бошка халклар педагогик меросининг ижобий томонларидан канчалик фойдаланмайлик барибир узбек миллий кадриятлари маънавий камолотимизнинг асаси булиб колавераби. Хар бир мамлакатда амалга ошириладиган таълим – тарбия тизими негизида муайяан максадлар етади. Бу максадлар давлат сиёсати билан белгиланади. Миллй истиклол вазифалари эса бугунги кунда таълим – тарбия тизимини янгилашни талаб этади. Бу тарихий зарурат тарбия масаласига атрофлича яхлит холатда ёндошишни талаб этади.

Жамият тараккётиниг барча даврларида тарбиянинг мазмуни ва йуналишини миллий ва умуминсоний кадриятлар уйгунлиги асосида белгиланган. «Биз соглом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак, деб такидларди И.А. Каримов, соглом киши деганда факат жисмонан согломлиги эмас, балки шаркона ахлок – одоб ва умумбашарий гоялар рухида камол топган инсонни тушунамиз».

Миллий иатаклол туфайли жамиятнинг бача сохаларида амалга оширилаётган узгаришларни, янгиланиш жараёни, энг аввало, маънавий хаётда кузга ташланмокда. Ёш авлодда иймон, виждон, халоллик, поклик, мехнатсеварлик, ишбилармонлик каби хислатларни тарбиялаш, таълим – тарбия сохасида миллий умуминсоний ва ислом анъаналари ва кадирятларидан фойдаланиш, умуман ёшларни миллий мустакиллик рухида тарбиялаш халк таълимининг асосий максадидир. Аклан етук ахлокан пок ва жисмонан бакувват, шунингдек, миллий маъсулият туйгусини англаб ёшларни тарбиялаб вояга етказган мамлакатгина мустакил ва баркарор ривожлана олади.

Шахснинг ички маънавий дунёси, маънавий эхтиёжи, маънавий кизикиш,маънавий фаолияти ва маънавий кадрият каби асосий белгилар тизимидан, иборатдиг. Зеро инсоннинг маънавий дунёси, маънавий ахлокий карашлари, тасавурлари фан, адабиёт, санъат, маориф, дин каби воситалар оркали тарбияланади.

Миллий истиклол мавкурасининг негизида ёшларнинг миллий мустакиллик рухида тарбиялаш ётади. Маутакиллик рухида тарбиялаш ёшларни миллий гугур, миллий онг, миллий тушунча, миллий тафаккур, миллий уз - узини англаш, ватан парварлик, туйгуларини шакиллантиришни такозо этади.

Укувчиларни педагогик жараёнда маънавий – ахлокий сифатларини тарбиялаш куйидаги вазифалар хал этилиши лозим:

- шуролар хомияти даврида таълим сахасидан урин олган мавкуравий махдудликдан халос булиш;
- узбек миллий менталитети ва жахон цивилизацияси ютуклврига таянадиган маънавий кадриатлар тизимини мустахкамлаш;
- Шарк мутафаккирлари асарларида кутарилган комил инсон гояси, таълимотларига амал килиш;
- Узбекистон Президенти И.А.Каримов асарларида таълим – тарбия хусусан хозирги замон ёшлари кадай булиши керак деган таълимотига нисбатан жавобларига ула амл килиш кабилар.

Таълим муассасаларида олиб борилаётган ишларни мохияти, унинг миллий истиклол мафкурасига асосланган, маънавий – ахлокий, хукукий, ватанпарварлик, фукоровий, мехнат, маданий – маиший, экологик ва шу сингари йуналишлар билан эришиладиган гоявий ва идеалларга мос холда олиб борилиши максадга молик масала. Бу муаммоларни амалга ошириш барча муассасалари педагогиканинг олдида гугрган юксак вазифадир.

Мустакиллик шароитида укувчилар маънавий - ахлокий тарбиялашда катор вазифаларни хал этиш талаб этилади, булар:

Хар бир таълим олувчининг онгида давлот мустакиллик халкининг олий гояви – ахлокий кадрияти экани, ух ватани билан фахирланиш,унинг хавфсизлигини таъминлаш ва Узбекистоннинг улуг тарихий утмишга, бозор муносабатига асосланган яни демократик жамият куришда танлаб олган узига хос йулни мустахкамлаш,ислом дини рухий билим сугорилган олий маънавий – ахлокий кадриятларни, халкнинг инсонпарварлик анъанлари, умуминсоний цивилизатия ютуклри ахамиятини тугри тушинтириш ва уни эътикодга айлантириш;

- таълим олувчиларда умуминсонинй инсонпарварлик ахлоки, маданияти меёрини, замонавий, кадриятлар эхтиёжи, узини юкори тутиш ва викор саклаш, оилавий тантаналарда узини курсатишга уриниш,хизмат вазифасидан шахси максадлар учун фойдаланиш куринишларига муросасиз булиш рухини тарбиялаб бориш уларнинг юкори ахлок малакалари билан куроллантиришнинг гарови булиб хисобланади.

Ёшларни тарбиялашда тарбиявий жараённиг узига хос хусусиятларини хисобга олиш мухим чунки таълимда асосий сиймо укиитувчи булиб хизмат килади. Унинг билим беришга,укитиш метотларига, мавзунинг баёнига дарисда куйилган максад ва вазифаларнинг мазмунига хеч ким монели кила олмайди. Тарбиявий ишларда ишларда эса мутлок сксидир. Иарбиявий таъсирларга каршилик килувчи турли кучлар, омиллар мавжуд. Мана шу маънода таълимнинг тарбиядан фаркини тугри англаб олмок даркор. Чунки мактабда укитувчи ва талаба фаолияти яхлит киладиган асосий жараён бу таълимдир.

Мана шу уринда тарбия жараёнининг таълимда фаркли хусусиятларни куриб чикиш лозим. Бу хусусиятлар:

**Биринчидан** – тарбиянинг куп кирралилиги, унда мактаб, оила, ёшларнинг турли уюушмалари, ташкилотлари,кенг жамоатчилик, махалла, кино театр телевидение, адабиёт, санъат.

**Иккинчидан** – унинг узок вакт давом этиши.

**Учинчидан** – укувчи тарбиявий жараёниниг факат обектигина эмас балки атрофдаги вокеаларга таъсир этувчи субъект хамдир.

**Туртинчидан** – тарбия жараёнида карама – каршиликларнинг, гоя куплигидир.

Ягона педадагогик жараёнда тарбиянинг самарадорлигини оширишда юкорида кайт этилган хусусиятларни хисобга олиш билан бирга узига хос булган принциплар хам борки, албатта бу принципларга амал килиш кузланган максадга эришишда мухим омил булиб хизмат килади.

Тарбия метотлари бола шахсини хар тамонлама ривожлантириш максади билан белгиланади ва тарбия жараёнига таалукли купчина таркибий кисимларни уз ичига олади.

Тарбия методи укувчиларга тарбиявий таъсир этиш усулларининг хамда укувчиларнинг хаёти ва фаолияти уюуштиришнинг педагогик воситалари мажмуидир.

Тарбия методини – куйидагича тарифлаш мумкин тарбия методи тарбиячининг болаларнинг маънавий – ахлокий. Эстетик ва миллий фазилатларни шакиллантириш максадида уларнинг онги ва тафаккурига хамда иродасига таъсир этиш йулларига айтилади.тарбия мазмунениг куп кирралилиги ва кичиклиги туфайли тарбия метотлари хам хилма – хил булиб, муайян шароитда улардан кайси бирини танлаш ва куллаш укитувчи ва укувчи уртасида вужудга келган вазиятга боглтк. Боланинг ёши улгайган сари тарбия методи хам мураккаблашиб баради.

Бунда бола хар бир нарсага онгли муносабатда булиб, укитувчи куллаётган восита ва усуллар таъсирида онги ва хулкишакилланиб боради.

Педагогика фани Узбекистонда «шахс манфаати ва таълим устуворлиги» эътироф этилган бир даврда эркин шахсни ривожлантириш конуниятлари, ёшлар шахсини хаётга мослаштириш шакл ва метотлари, мазмуни ва принципларини жаму жам урганади.

**Мавзу**: **Таълимни ривожлантиришнинг янги босқичида педагогик технологияларнинг мощияти ва муаммолари**

**Маъруза – 2 соат**

**Мақсад:** курс тингловчиларини «технология», «технологик жараён», «педагогик технология» тушунчалари мазмуни, педагогик технологияларни таълим мақсадини амалга оширишдаги роли ва ўрни билан яқиндан таништириш.

**Режа:** 1) педагогик технологияларни ўқитиш (таълим) жараёнига кириб келиши;

**2) «таълим технологияси» назариясининг ривожланиш босқичлари;**

3)«педагогик технология» тушунчасининг мощиятини очиб берувчи қарашлар

4) «педагогик технология»нинг марказий муаммоси.

**Таянч сўзлар**: технология, технологик жараён, таълим технологияси, педагогик технология.

Илм-фан ва техника ривожининг юксак суръати моддий ишлаб чиқариш жараёнини назарий (\оявий) щамда амалий жищатдан бойитиб бориш билан бирга ижтимоий муносабатларнинг янгича мазмун касб этишини таъминлади. Хизмат кўрсатиш сощаларининг пайдо бўлиши, янгича турмуш тарзи кишиларнинг моддий ва маънавий

эщтиёжларининг ортиб боришига замин щозирлади. Ижтимоий эщтиёжларнинг янгиланиб щамда ортиб бориши ўз навбатида уларни қисқа муддатда ва сифатли қондирилишини таъмин этувчи фаолиятнинг йўлга қўйилишини тақозо этди. Ижтимоий зарурат мащсули бўлган технология сощаси ва унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт орали\ида, кам жисмоний куч сарфлаган щолда юксак сифатли мащсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Моддий ишлаб чиқариш, хом-ашёни қайта ишлаш сощалари (қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, маиший хизмат кўрсатиш ва бошқалар)да мащсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндошув анъанаси юзага келди.

**Технологик ёндошув** ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Муайян мащсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан мащсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнгги босқич) даврни ўз ичига олган жараён **технологик жараён сифатида эътироф этилади**. Ишлаб чиқариш жараёнига нисбатан технологик ёндошув муайян сощаларда ислощотларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Моддий ишлаб чиқариш сощаларида ил\ор технологияларни қўллаш шартларидан бири – малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг касбий мащоратини доимий равишда ошириб боришга эришиш эканлигидан щам англанадики, ижтимоий, иқтисодий ва маданий щаёт бир-бири билан узвийлик, алоқадорлик щамда яхлитлик тамойили асосида ривожланиб боради. Жамият ижтимоий щаётида етакчи ўрин тутган \оя ва қарашлар иқтисодий ишлаб чиқариш ривожига ўз таъсирини ўтказса, ўз навбатида, иқтисодий ўсиш ащолининг маданий турмуш тарзининг яхшиланишига олиб келади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий щамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, **мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг мощиятини тўлақонли англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятлар щам юзага келган муаммоларни ижобий щал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эщтиёж таълим** жараёнини технологик ёндошув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Айни вақтда Республика ижтимоий щаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни тащлил этиш, қайта ишлаш, назарий жищатдан умумлаштириш, хулосалаш щамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири щисобланади. Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни тадбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий щам этишга хизмат қилади.

Таълим тизимини технологиялаштириш \ояси ўтган асрнинг бошларида /арбий Европа щамда А+Щда таълим тизимини ислощ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахснинг ижтимоийлашувини таъминлаш учун муайян шарт-шароитни яратиш борасидаги ижтимоий щаракат юзага келган даврда илк бора ўртага ташланди. Мазкур \оя 30-йилларда таълим жараёнига «педагогик техника» («таълим техникаси») тушунчасининг олиб кирилиши билан асосланди. Ушбу даврда яратилган махсус адабиётлар «педагогик (таълим) техника(си)» тушунчаси «ўқув маш\улотларини аниқ ва самарали ташкил этишга кўмаклашувчи усул ва воситалар йи\индиси» тарзида талқин этилди щамда ўқув жараёнига ўқув лаборатория жищозларининг олиб кирилиши, улардан самарали, унумли фойдаланиш, материал мазмунини кўрсатмали қуроллар ёрдамида тушунтириш каби щолатлар таълим самарадорлигини оширишга ёрдам берувчи етакчи омиллардир дея бащоланди.

XX асрнинг 50-йилларида таълим жараёнида техник воситаларни қўллаш «таълим технологияси» йўналишини белгилаб берувчи омил дея эътироф этилди, асосий эътибор

ўқувчилар аудиториясини кенгайтириш техник воситалардан фойдаланиш эвазига амалга оширилиши, техник воситаларнинг имкониятларини янада такомиллаштириш, уларнинг ахборот си\имини кенгайтириш, ахборотларни узатиш хизматини сифатли ташкил этиш, таълим олишни индивидуаллаштириш каби масалаларга қаратилди. Бу борада олиб борилган тадқиқотларнинг объекти, таянч нуқтаси сифатида техник воситалар имкониятлари, уларни такомиллаштириш жараёни қабул қилинди, шунингдек, ўқув жараёнини «технологиялаштириш»нинг ташкилий жищатларини ўрганишга алощида ур\у берилди.

60-йилларнинг бошларида таълимни дастурлаш асосида таълим жараёнини ташкил этиш «технология» тушунчасининг мощиятини очиб берувчи омил сифатида кўрила бошланди. Дастурий таълим ўқувчиларга муайян билимларни алощида қисм щолида эмас, балки изчил, яхлит тарзда берилишини назарда тутади. Таълим жараёнини яхлит, мақбул дастурга мувофиқ ташкил этиш таклифи илк бора А+Шда фаолият юрита бошлаган «Дастурий таълим ва ўргатувчи машиналар бўйича бирлашган +ўмита» томонидан илгари сурилган. Дастурий таълим ўзида таълим мақсадлари, уларни ўзгартириш ва бащолашнинг мос равищдаги мезонлари щамда таълим мущитининг аниқ тавсифини қамраб олади.

Бизга яхши маълумки, щар бир назария ўзининг методологик асосларига эга бўлади. Таълим технологияси назариясининг илк \оялари илгари сурилган даврлардаёқ мазкур назариянинг аасослари щам яратила бошланган. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини унинг мақсади, мазмуни, вазифалари, тамойиллари, объектив (ташқи) щамда субъектив (ички) омиллари, объекти, асосий тушунчалари мезонлари ва бошқалар ташкил этади.

Таълим технологияси назариясининг умумий асослари мощияти хусусида сўз юритиш учун «таълим технологияси» тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади.

«Технология» юнонча сўз бўлиб, «techne»-мащорат, санъат щамда «logos»-тушунча, таълимот сўзларининг бирикмасидан щосил бўлган. Таълим технологияси тушунчаси эса лу\авий жищатдан (инглизча «an educational technology») таълим (ўқитиш) жараёнини юксак мащорат, санъат даражасида ташкил этиш борасида маълумотлар берувчи фан (ёки таълимот) маъносини англатади.

Сўнгги йил давомида нутқимизда «педагогик технология», «замонавий педагогик технология», «ўқитиш технологияси» каби тушунчалар кенг қўлланмоқда. Аксарият педагоглар «таълим технологияси» щамда «педагогик технология» тушунчалари мазмунан бир маънони англатишини таъкидламоқдалар. Бизнинг назаримизда бундай ёндошув у қадар тў\ри эмас щамда бу борада ягона тўхтамга келиш мущимдир.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, таълим жараёнини технологиялаштириш \ояси /арбий Европа щамда А+Шда яратилган эди. Бизга маълумки, /арбий Европа мамлакатлари ва А+Шда «Педагогика» фани мавжуд эмас, шу боис «педагогик фаолият», «педагогик тизим», шунингдек уларга бо\лиқ равишда юзага келувчи «педагогик технология» тушунчаси щам истеъмолда йўқ.

Номлари қайд этилган мамлакатларда шахсга илмий билимларни бериш жараёни «таълим жараёни» сифатида номланади, шахсга билимлар бериш, унинг маълумотини ошириш, таълим самарадорлигини таъминлашга хизмат қилувчи фанлар мажмуи «Методика» деб юритилади. Методика фанларини ўқитишда асосий эътибор таълим сифатини яхшилаш, унинг самарадорлигини таъминлашга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси (шу жумладан МДЩ мамлакатлари) таълим тизими амалиётида ўқитилиб келинаётган «Педагогика» фанининг предмети шахсни шакллантириш, унинг камолотини таъминлашга йўналтирилган таълимий щамда тарбиявий фаолиятни ташкил этиш жараёнининг мазмунидан иборатдир. Яъни шахснинг етук камолоти икки мущим фаолият – таълимий ва тарбиявий фаолият жараёнининг самараси, натижаси сифатида намоён бўлади.

Айни ўринда «педагогик технология» щамда «методика» тушунчаларининг тавсифи, ўзига хос жищатларини ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Шундай экан, бу ўринда «педагогик технология» тушунчасининг қўлланилиши, шунингдек, асосий эътиборни фақат таълим жараёнини самарали ташкил этишгагина қаратмай, балки щам таълим, щам тарбия жараёнининг самарадорлигини таъминлашга бирдек қаратиш лозимдир.

«Таълим технологияси» тушунчаси «таълим методикаси» тушунчасига нисбатан кенгдир. Таълим методи – ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти усули бўлса, таълим методикаси эса муайян ўқув предметини ўқитишнинг илмий асосланган метод, қоида ва усуллар тизимини ифодалайди.

**Таълим технологияси** – таълим мақсадига эришиш жараёнининг умумий мазмуни, яъни аввалдан лойищалаштирилган таълим жараёнини яхлит тизим асосида, босқичма-босқич амалга ошириш, аниқ мақсадга эришиш йўлида муайян метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш, улардан самарали, унумли фойдаланиш щамда таълим жараёнини юқори даражада бошқаришни ифодалайди.

Ўқитувчининг самарали фаолият кўрсатишга ундовчи дарснинг методик ишланмасидан фарқли ўлароқ, таълим технологияси ўқувчилар фаолиятига нисабатан йўналтирилган бўлиб, у ўқувчиларнинг шахсий щамда ўқитувчи билан биргаликдаги фаолиятларини инобатга олган щолда, ўқув материалларини мустақил ўзлаштиришлари учун зарур шарт-шароитларни яратишга хизмат қилади. **Педагогик технологиянинг марказий муаммоси** – ўқувчи шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни таъминлашдан иборат.

Халқ хўжалигининг моддий ишлаб чиқаришга асосланган сощаларида қўлланилаётган технологиялар мощиятини ўрганиш щамда муаммо доирасида нашр этилган рисолалар мазмуни билан танишиш «педагогик технология» таълим-тарбия фаолиятининг яхлит жараёни тў\рисидаги фан эканлигини эътироф этиш имконини берди. Педагогик технологиянинг қуйидаги таркибий унсурлари унинг асосини белгилашга хизмат қилади (1-шакл):




1-шакл. Педагогик технологиянинг таркибий унсурлари

**«Ақлий щужум» методи**

**Мақсад:** Ақлий щужум муаммоларни щал қилишда кенг қўлланиладиган анчагина машщур методдир. У қатнашувчиларни ўз тасаввурлари ва ижодларидан фойдаланишга ундайди. У берилган щар қандай муаммога кўп сонли ечимлар топишда ёрдам беради. (Бундай вазиятда мен нима қилишим керак?). Ақлий щужум методи танлаб олинган мавзу доирасида маълум \ояларни аниқлаш, айни вақтда уларга муқобил бўлган \ояларни танлаш учун шароит яратади.

**Ақлий щужумни ўтказиш қоидалари**

1. Ўйлаш жараёнида щеч қандай бащолашларга йўл қўйилмайди. Агар ўйлаш жараёнида \оялар бащоланса, қатнашувчилар эътиборларини ўз фикр ва \ояларини щимоя қилишга қаратиб, уларнинг янгилари ва яхшилари устида бош қотирмай қўядилар. Бащолаш қоидадан истисно қилиниши керак.

2. Щаммани ўта хилма-хил кутилмаган \оялар доирасини ўйлашга ундаш керак. Щақиқатан щам, ақлий щужумда кутилмаган \оялар юзага келмас экан, айрим қатнашувчилар ўз шахсий фикрларини қайта кўриб чиқишлари аниқ бўлиб қолади. Улар ўз \ояларини тақдим этишдан олдин ўз \ояларининг кулгига сабаб бўлишидан чўчиб узоқ ўйлайдилар.

3. /оялар миқдори ра\батлантирилади. Миқдор деярли доимо ўсиб сифатга айланади. Тезкор изчилликда катта миқдорда \оялар пайдо бўлганда, одатда бащолаш истисно қилинади. +атнашчилар ўз тасаввурларини кенгайтиришда эркиндирлар, бунинг натижасида яхши \оялар юзага келади.

4. Щар бир киши ўзгалар \оясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Олдин таклиф этилган \ояларни бириктириш ва ўзгартириш яхшироқ \ояларни келтириб чиқаради.

**Самарали ақлий щужум учун талаблар**

1. +атнашувчиларни бемалол ўтирадиган қилиб жойлаштириш.
2. /ояларни ёзиш учун доска ёки қо\оз варақларини тайёрлаб қўйиш.
3. Муаммони аниқлаш.
4. Иш қоидаларини белгилаш.

А) \оялар щеч қандай бащоланмайди.
Б) фикрларга тўлиқ эркинлик берилади.
В) \оялар қанча кўп бўлса, шунча яхши (миқдорга интилиш)

5. /оялар щақида сўраб айтилиши билан ёзиб олиш.
6. +о\оз варақлар тўлганда, уларни деворларга осиб қўйиш.
7. Янги \ояларни ра\батлантириш.
8. Ўзгалар \оялари устидан кулиш, кинояли шарщлар ва масхара қилишга йўл қўймаслик.
9. /оялар таклиф этилаётган экан, ишни давом эттиравериш.

**Саволлар**

1. «Таълим технологиялари» қачондан бошлаб жорий этилди?
2. «технология», «технологик жараён», «таълим технологияси» тушунчаларини таърифлаб беринг.
3. Таълимни технологиялаштиришнинг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?

**Фойдаланилган адабиётлар:**


1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Тошкент: Шарқ нашриёти матбаа концерни. 1997.
2. Каримов И.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. –Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

3. Беспалько В.П. Теоретические основӯ стандартизации образования // Педагогиеское обеспечение художественного стандарти образования. –Москва: ИРПО, 1994.
4. Саидащмедов Н. Янги педагогик технологиялар (назария ва амалиёт). –Тошкент. Молия нашриёти. 2003.
5. Толипов Ў. ва бошқалар. Педагогик технология: -Т.: 2005 й.

**Мавзу: Педагогик технологиянинг дидактик масалалари**

**Маъруза – 2 соат**

**Мақсад:** Курс тингловчиларини педагогик технологиянинг асосий вазифалари щамда дидактик масалалари билан яқиндан таништириш.

**Режа:** 1. Ўқув жараёнини технологиялаштириш. Таълим технологиясининг таркибий тузилмаси.
2. Ўқув жараёнини лойищалаш босқичлари.
3. Таълимни ташкил этиш шакллари. Таълим методлари, усуллари ва воситалари.
4. Педагогик технология турлари.

**Таянч сўзлар**: таълим мазмуни, ижтимоий эщтиёж, таълим мақсади, таълим шакли, метод, усул, восита, муаммоли таълим.

Муайян ўқув маш\улоти жараёнининг лойищасини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1-босқич. Таълим жараёнини лойищалашнинг дастлабки босқичи ўқув предметининг мундарижасидан жой олган мавзу ёки фаолият мазмунига доир манбаларни ўрганиш, чунончи, материалларни йи\иш ва уларнинг \ояси (мощияти) билан танишиб чиқиш, уларда илгари сурилган \ояларни умумлаштириш, туркумлаштириш щамда яхлитлашдан иборат.

Ўқув предметининг мавзуси ёки фаолият мазмунига доир манбалар мощиятини ўрганиб чиқиш ўқитувчи учун ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган мавзу (фаолият мазмуни) хусусида уларга батафсил, мукаммал маълумотларни бера олиш, таълимнинг умумий жараёнини тасаввур этиш имконини беради.

2-босқич. Иккинчи босқич ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсадни аниқ белгилаш, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича щал этилувчи хусусий мақсадларни щам белгилаш, таълим мақсадига эришиш йўлида ижобий щал этиб борилиши лозим бўлган вазифаларни ишлаб чиқишга йўналтирилади.

Таълим мақсади ва вазифаларининг аниқ, пухта белгилаб олиниши ўқитувчи, шунингдек, ўқувчилар фаолиятини муайян йўналишга солиш, таълим мақсадига эришишда вақтдан унумли фойдаланиш, таълим жараёнида юзага келиши мумкин бўлган дидактик ва тарбиявий муаммоларнинг олдини олиш, мавжуд шарт-шароитлардан оқилона фойдаланишга замин щозирлайди. Иккинчи босқич натижаси ўқув предмети (фаолият мазмуни)нинг мавзуси бўйича ягона, умумий щамда хусусий мақсадлар, шунингдек, вазифаларни қайд этиш билан тавсифланади.

3-босқич. Таълим жараёнини лойищалашнинг учинчи босқич таълим мақсади ва вазифаларига таянилган щолда, ўқув жараёнининг мазмунини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Таълим жараёни ўқув материали мазмунини ёритишга хизмат қилувчи муайян мавзу (фаолият мазмуни) бўйича назарий ва амалий билимлар мажмуини ифода этиш имконини беради. Таълим мазмунида, шунингдек, ўқувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган тушунча, кўникма щамда малакаларнинг щажми щам ўз ифодасини топа олиши лозим. Зеро, таълим мазмунининг \оявий жищатдан мукаммаллиги ўқувчи томонидан муайян билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштириш даражаси билан белгиланади. Учинчи босқич самараси ўқувчи томонидан маълум тушунчаларнинг ўзлаштирилиши, кўникма ва малакалар шаклланишини таъминловчи шартларнинг ишлаб чиқилганлигида намоён бўлади.

4-босқич. Таълим жараёнини лойищалашнинг энг мущим босқичи саналган тўртинчи босқичда маш\кулотнинг шакли, метод ва воситаларини танлаш каби щаракатлар амалга оширилади.

Мазкур босқичнинг мущимлиги шундаки, айнан маш\улот шакли, метод ва воситалари таълим жараёнининг муваффақиятини таъминланишига олиб келади. Улар ёрдами билангина ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) борасидаги назарий билимлар ўқувчиларга узатилади, ўқувчилар томонидан эса ушбу билимлар қабул қилиб олинади. Муайян маш\улот учун энг мақбул деб топилган шакл, метод ва воситаларнинг белгиланиши таълим жараёнининг қарийиб 90 фоизлик муваффақиятини кафолатлайди. Янги, замонавий педагогик технологияларнинг асосий мощияти айнан мана шу босқичда очиб берилади. Ўқувчиларни ижодий изланиш, фаоллик, эркин фикр юритишга йўналтирувчи таълим шакли, метод ва воситаларининг тў\ри танланиши маш\улотларнинг қизиқарли, бащс-мунозараларга бой бўлиши, ижодий тортишувларнинг юзага келишига туртки беради. Мана шу щолатдагина ўқувчилар ташаббусни ўз қўлларига оладилар,

ўқитувчининг зиммасида эса уларнинг фолиятини маълум йўналишга солиб юбориш, умумий фаолиятни назорат қилиш, мураккаб вазиятларда йўл-йўриқ кўрсатиш, маслащатлар бериш щамда улар фаолиятини бащолаш каби вазифалар қолади.

5-босқич. Навбатдаги (бешинчи) босқичда ўқувчилар томонидан билим, кўникма ва малакаларнинг ўзлаштирилиши учун етарли дея белгиланган вақт щажми, яъни ўқувчиларда муайян мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан маълум тушунча, кўникма ва малакаларнинг қанча вақт орали\ида ўзлаштирилиши мумкинлиги аниқланади.

6-босқич. Олтинчи босқичда машқ (топшириқ)лар тизими ишлаб чиқилади. Босқич натижаси сифатида ишлаб чиқилган машқ (топшириқ)лар тизимининг самарадорлигига алощида ащамият бериш талаби мазкур босқичнинг асосий шарти щисобланади.

Мазкур босқичда ишлаб чиқилган машқлар тизимининг қуйидаги гурущларга бўлиш мақсадга мувофиқдир:

а) маш\улот жараёнида ўқувчилар томонидан ечилиши (щал этилиши) лозим бўлган машқлар;

б) дарсдан ташқарии шароитларда бажарилиши кўзда тутилган машқлар (уй вазифалари).

Ўқувчилар эътиборига щавола этилаётган машқлар бир-бирини тўлдириши, ўзаро алоқадорлик, бо\лиқлик ва энг мущими эволюцион хусусият касб эта олиши лозим.

7-босқич. Таълим жараёнини лойищалаштиришнинг еттинчи босқичида ўқувчиларнинг умумий фаолиятларини назорат қилиш ва тест тизимини ишлаб чиқиш каби вазифалар амалга оширилади.

Назарий ва амалий жищатдан тў\ри бўлган тест тизимининг ишлаб чиқилиш ўқувчиларнинг мавзу (фаолият мазмуни) юзасидан муайян тушунчаларни ўзлаштириш, шунингдек, амалий кўникма ва малакаларни шакллантира олганлик даражаларини аниқ ва холис аниқлай олиш имконини беради. Тест тизимини ишлаб чиқишда тестларнинг изчил, узвий щамда бир-бири билан уй\ун бўлишларига ащамият бериш мақсадга мувофиқдир.

8-босқич. Таълим жараёнини лойищалашнинг сўнгги босқичи  яратилган лойища (андоза)нинг таълим жараёнига тадбиқ этилиши, таълим жараёнининг якуний даражаси (самарадорлиги)ни ўрганиш билан нищояланади.

Мазкур босқичда таълим жараёнининг умумий ащволи, эришилган ютуқ щам йўл қўйилган камчиликлар, уларнинг юзага келиш сабаблари тащлил этилади, навбатдаги маш\улотлар жараёнида содир бўлган камчиликларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгиланади.

Таълим жараёнининг мазмуни асосида таълим шакл, метод ва воситалари белгиланади. Таълим муассасалари олдида турган вазифларни щал этиш  маш\улот (таълим жараёни) мазмуни, таълим шакли, методлари щамда воситаларининг самарадорлигига бо\лиқ бўлади. Таълим шакли, метод ва воситалари ўқувчиларни маънавий-ахлоқий жищатдан тарбиялаш, уларда чуқур билим ва дунёқарашни щосил қилишга хизмат қилади.

Таълим шакли ўқитувчи ва ўқувчининг белгиланган тартибда, муайян тартибга мувофиқ маъулм режимда ташкил этиладиган фаолиятларининг ташқи ифодасидир.

Анъанавий таълим ўзида  XVI асрнинг охири ва  XVII асрда яшаб ижод этган буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670 йиллар) томонидан асосланган синф-дарс тизими мощиятини акс эттиради. Мазкур тизимнинг мощияти қуйидагилардан иборат:

а) ўқувчилар ёши ва тайёргарлик даражаларига кўра синфлар тарзида гурущланадилар ва умумий ишни бажарадилар;

б) ўқув предметининг мазмуни бир қатор бўлим ва мавзуларга, бўлим ва мавзулар эса бир қатор баравар ва изчил жойлаштирилган қисмларга ажратилиб, улар бирин-кетин, маълум жадвал бўйича келадилар.

**Таълим шакллари**




ташкил этувчи синф ёш ... р хил бўлган муаиян уқувчилар гурущини; дарс эса бевосита ўқитувчининг ращбарлиги щамда назорати остида муайян ўқувчилар гурущи билан олиб бориладиган таълим жараёнини англатувчи тушунчалардир.

Дарс-ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли щисобланади. Синф-дарс тизими қуйидаги мазмунга эгадир:

1.Щар қайси синф ёши ва билим даражасига кўра бир хил бўлган ўқувчиларнинг доимий гурущига эга бўлади.

2.Дарс жараёни асосан 45 дақиқа (ёки бир академик соат, 80 дақиқа) давом этиб, қатъий жадвал асосида олиб борилади.

3.Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолият бирлигига  асосланган бўлиб, бевосита ўқитувчи ращбарлигида  жамоа, гурущли ва якка тартибда олиб борилади.

4.Дарс маш\улоти ўтилаётган ва ўзлаштирилаётган материалнинг мазмунига қараб турли хил методлар ёрдамида олиб борилади щамда умумий таълим тизимининг бир қисми сифатида албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратишга хизмат қилади.

Бугунги кунда дарсларни ташкил этишга нисбатан қуйидаги  дидактик талаблар қўйилмоқда:

1.Дарснинг мақсади ва вазифаларининг аниқлиги щамда педагогик жищатдан тў\рилиги.

2. Дарснинг таълимий, тарбиявий ва шахснинг ривожлантирувчанлик вазифаларининг бирлиги ва узвийлиги.

3. Ўқитишнинг яхлит дарс ва унинг  маълум қисмлари, вазифалари щамда мазмунига мувофиқ келадиган, ўқувчиларнинг билиш фаолликлари ва мустақил фаолиятларини таъминлашга хизмат қилувчи мақбул методларини танлаш.

4. Маш\улотларнинг турли шакллари: жамоа, гурущли ва якка тартибдаги шаклларини мақбул равишда  қўшиб олиб бориш.

5. Ўқитувчининг ращбарлик роли билан ўқувчилар фаол билиш фаолиятини бирга олиш бориш.

6. Дарсларнинг ўзаро узвий ва диалектик  хусусиятига эга бўлишига эришиш.

7. Ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олиш.

8. Дарсда ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялаш учун қулай шарт-шароит яратиш.

9. Дарсларни демократик тамойиллар асосида ташкил этиш.

10. Дарсда ўқувчи эркинлигини таъминлашга эришиш.

Бугунги кунда таълимни ташкил этиш  тизимида якка тартибда таълим олиш ўзига хос ўринга эга бўлиб бормоқда. Якка тартибдаги таълим  ўқувчининг қизиқиши, эщтиёжи, хощишига кўра муайян фан, предмет юзасидан чуқур билим олиш; маълум фан ёки предмет бўйича юзага келган ўзлаштирмовчилик щолатини бартараф этиш, шунингдек,

узоқ вақт со\лиқни сақлаш муассасаларида даволанган ёки тиббиёт ходимлари назоратида бўлган ўқувчиларнинг ўқув дастури талабларини бажаришларига кўмаклашиш мақсадида ташкил этилади. Якка тартибда таълим олишнинг асосий кўринишларидан бири сифатида репититорлик таълими кенг оммалашиб бормоқда.

Мактаб амалиётида маърузанинг қуйидаги турларидан кенг фойдаланилмоқда:

1) маъруза-щикоя;
2) маъруза-сущбат;
3) маъруза-мунозара;
4) оммавий маъруза.

Маърузалар ёзма шаклда ифода этилади. Шу боис маърузачи-ўқитувчидан маъруза мавзуси юзасидан режа щамда конспект бўлиши лозим.

Маърузадан баён қилинган материалнинг ўқувчилар томонидан тушунилиши ва қабул қилиб олиниши қуйидаги мезонлар асосида аниқланади (3-жадвал).

3-жадвал

Ўқувчилар томонидан материал мощиятининг тушунилишини аниқловчи мезонлар

| № | Синфлар | Ўқувчилар томонидан қабул қилинувчи материал щажми |
|---|---|---|
| 1. | I синф | 20-25 та сўз |
| 2. | II синф | 25-30 та сўз |
| 3. | III синф | 30-35 та сўз |
| 4. | IV-IX синф | 35-40 та сўз |
| 5. | Янги турдаги ўқув муассасаларда | 40-45 та сўз |

Ўрта таълим мактабларида маъруза умумий 45 дақиқалик бир академик соатдан иборат бўлади. Умумий қоидага мувофиқ маъруза бир дарс давомида охирига етказилмай қолган бўлса, у янги маш\улотда давом эттирилади. Щар бир мавзу бўйича маъруза материаллари тушунтириб бўлингач, ўқувчилар билан савол-жавоб ўтказилади. Щар бир мавзу юзасидан фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар рўйхати тақдим этилади.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқув режасига VII синфдан бошлаб факультатив маш\улотлар киритилади. Факультативлар – ўқувчиларнинг қизиқиш ва хощишларига кўра муайян фан, предмет юзасидан бериладиган илмий-назарий билимларни чуқурлаштириш, уларда амалий кўникмаларни щосил қилиш мақсадида ташкил этиладиган таълим шаклидир.

Мактаб маъмурияти щамда педагогик жамоа олдига щар бир ўқувчининг факультативлардан бирини танлаш имкониятига эга бўлишини таъминлаш вазифаси қўйилади, бу кейинчалик унинг учун мажбурий бўлиб қолади. Факультатив маш\улотлар ўқувчиларнинг мустақиллиги щамда фаоллигини оширишга, уларнинг ақлий қобилиятларини ривожлантиришга хизмат қиладиган махсус дастур асосида ўтказилади.

Факультатив маш\улотларда ўқиладиган маърузалар амалий маш\улотлар билан уй\унлашиб кетади. Бунда ўқувчилар адабиётлар билан ишлаш малакасини, мустақил фаолият юритиш кўникмасини эгаллайдилар, мураккаб бўлмаган тажрибалар ва тадқиқотлар ўтказиш методикасини ўзлаштирадилар, тажриба қурилмалари ва техникани ишлатиш малакасини щосил қиладилар. Факультатив маш\улотлар мажбурий фанлар юзасидан бўлган маш\улотлар билан мустащкам алоқадорликда ташкил этилиши керак.

Семинар маш\улоти ўқувчилар томонидан у ёки бу мавзу бўйича маърузалар тайёрлаш щамда уни синф ўқувчилари билан мущокама қилиш йўли билан олиб борилади.

Семинарларга 2-3 щафта тайёргарлик кўрилади. Ўқувчилар адабиётларни ўрганадилар, материал йи\адилар, турли кузатишлар ўтказадилар, ўз ахборотлари юзасидан тезислар тузадилар.

Семинар маш\улоти ўқитувчи ращбарлигида ўтказилади. У ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзуга оид саволлари юзасидан ташкил этилган мущокамани якунлайди. Зарур ўринларда қўшимча мулощазаларни беради.

Таълим назариясида ўқитиш (таълим) методлари марказий ўрин эгаллайди.

«Метод» юнонча сўз бўлиб, «йўл» маъносини англатади. Таълим методи таълим жараёнида ўқитувчи ва ўқувчиларнинг аниқ мақсадга эришишига қаратилган биргаликдаги фаолиятлари усулларидир.

Таълим методлари ўқитишнинг ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш усуллари щамда ўқув материаллари назарий ва амалий жищатдан йўналтириш йўлларини англатади.




Ўқув материалини о\заки баён қилиш методи мактаб таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган методлардан бири бўлиб, мазкур методга барча ўқув предметлари бўйича барча синфларда мурожаат қилиш мумкин.

Ушбу метод баён қилинаётган маълумотларнинг тў\ридан-тў\ри ўқитувчининг жонли нутқи орқали идрок қилиниши билан тавсифланади ва ана шу хусусиятига кўра таълимнинг бошқа методларидан фарқ қилади щамда __-шаклда келтирилган 5 турда қўлланилади.

Щикоя қилиш – ўқитувчи томонидан янги ўтилаётган мавзуга оид далил, щодиса ва воқеаларнинг яхлит ёки қисмларга бўлиб, образли тасвирлаш йўли билан ихчам, қисқа ва изчил баён қилинишидир (баён қилиш I-IV синфларда 10-12 дақиқа, V-VII синфларда 15-20 дақиқа, VIII-IX синфларда 30-40 дақиқа бўлиши мумкин). Щикоя қилиш ижтимоий-гуманитар предметларни ўқитишда кенг қўлланилади.




Щикоя қилиш давомида ўқувчилар пассив тингловчи бўлиб қолмасликларига, аксинча, уларнинг фаолликларини ошириш, диққатларини мавзуга жалб этиш, щодиса ва

воқеалар хусусида фикр юритишларни таъминлаш мақсадида саволлар бериб бориш, кўргазмали қуроллардан фойдаланишга алоҳида эътибор бериш зарур.

Мактаб маърузаси – бир соатлик маш\улот давомида ўрганилаётган мавзунинг щақиқий мощиятини очиб бериш, унда илгари сурилган \оялар асосида илмий хулосалар чиқариш ва уларни умумлаштириш асосида билимларни муайян изчилликда баён этишдир.

Мактаб маърузаси асосан юқори синфларда қўлланилади. Маъруза жараёнида мавзу сидир\асига баён қилинса щам, ўқув материалини о\заки баён қилиш методининг бошқа турлари, хусусан, щикоя қилиш ва тушунтиришлардан щам фойдаланиш мумкин.

Мактаб маърузаси __-шаклда келтирилган талаблар асосида ташкил этилади.




Маъруза жараёнида ўқувчи учун нотаниш бўлган сўз ва ибораларга изощ бериб бориш, қоида ва қонунларнинг таърифи содда, ихчам ва тушунарли тарзда ифодаланишига эътибор бериш лозим.

Ўқув материалини тушунтириш ўрганилаётган щодиса, қонун, қоида ёки щаракатнинг мощиятини очиб беришга қаратилади.

Ўқитувчи муайян бир предметнинг у ёки бу мавзусига оид қонун, қоидалар қанчалик асосли эканлигини далиллар, мисоллар келтириш йўли билан исботлаб беради.

Сущбат методи аксарият щолатларда савол-жавоб методи деб щам юритилади. Чунки, ушбу метод асосида таълим жараёнини ташкил этиш асосан савол-жавоб тарзида олиб борилади. Сущбат методи ўқувчиларда муайян фаолликни юзага келтиради, шунингдек, берилган саволга жавоб топиш жараёнида ўқувчи фикр юритади, шахсий фикрларини баён этади, уни далиллашга уринади. Бу эса уларда фикрлаш кўникмаларини такомиллаштиради.

Таълим жараёнида ўрганилаётган мавзу юзасидан кириш, асосий ва якунловчи сущбатлар щам қўлланилади. Ўқувчилар томонидан янги мавзунинг қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаш мақсадида щам сущбат ташкил этилади.

Маш\улотларни ташкил қилиш ва уни олиб бориш жараёнида ўқитувчи сущбат методидан фойдаланганда қуйидаги шартларга амал қилиши керак:




Дарслик ёки манба ( ... ) метариални о\заки баён қилиш методининг асосий тури бўли ... им ўрин тутади.

Ўқув адабиётлари билан ишлаш мураккаб психологик жараён саналади. У таълим жараёнида ўқитувчи томонидан баён қилинаётган билимлар, ахборотларни китоб матнидан кўриб, онгли идрок қилиш фаолиятини ривожлантиришни назарда тутади. Таълим жараёнида ушбу методдан фойдаланиш ўқувчиларда кичик тадқиқотларни олиб бориш кўникмаларини шаклланишига ёрдам беради.

**Педагогик технология турлари**

| Педагогика технология тури | Мақсади | Мощияти | Механизми |
|---|---|---|---|
| Муаммоли таълим | Ўқувчиларнинг билиш фаоллиги щамда ижодий мустақиллигини ошириш | Ўқувчиларга кетма-кет ва мақсадли равишда уларда билимларни ўзлаштириш борасидаги фаолликни юзага келтиришга хизмат қилувчи масалаларни бериб бориш | Тадқиқотчилик методлари, билиш фаолиятига йўналтирилган масалаларни ечиш |
| Мужассамлаштирилган ўқитиш | Шахснинг щис қилиш хусусият-ларига максимал даражада яқин- лаштирилган таълим жараёнининг тузилмасини яратиш | Маш\улотларни блокларга бириктириш щисобига фанларни чуқур ўзлаштиришга эришиш | Ўқувчилар иш қобилияти динамикасини щисобга олувчи таълим методлари |
| Модулли таълим | Таълим мазмунини шахс индивидуал эщтиёжлари ва унинг базавий тайёрлиги даражасига | Ўқувчиларнинг индивидуал ўқув дастури асосида мустақил ишлашлари | Муаммоли ёндошувни амалга оширишнинг индивидуал |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | мувофиқлаштириш | | мароми |
| Ривожлантирув чи таълим | Шахс ва унинг қобилиятларини ривожлантириш | Ўқув жараёнини потенциал имкониятлари ва уларни амалга оширишга йўналтириш | Ўқувчилар фаолиятини турли соҳаларга йўналтириш |
| Дифференциал таълим | Ўқувчиларнинг лаёқати, қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш учун шароитларни яратиш | Турли ўзлаштириш даражалари бўйича мажбурий меъёр (стандарт)дан кам бўлмаган ҳажмдаги дастур материалини ўзлаштириш | Индивидуал таълим методлари |
| Фаол (мажмуавий) ўқитиш | Ўқувчилар фаоллигини ташкиллаштириш | Бўлажак касбий фаолиятнинг пред-метли ва ижтимоий мазмунини моделлаштириш | Фаол ўқитиш методлари |

**Саволлар:**

1. +андай таълим шакллари бор?
2. Таълим методларини айтиб беринг.
3. +андай таълим усулларини айта оласиз?
4. Дарсда қўлланувчи техник воситалар имкониятларини сўзлаб беринг.
5. Интерфаол методларни ўтказиш жараёнида ўқувчилар нималарга риоя қилишлари керак?
6. Педагогик технологиянинг қандай турларини биласиз?

**Адабиётлар**


1. Педагогика –Тошкент: Ўқитувчи. 1981.
2. Умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандарти // Халқ таълими, 1999. №5.
3. Йўлдошев Ж./., Усмонов С.А. педагогик технология асослари. +ўлланма. –Тошкент: Ўқитувчи. 2004.
4. Очилов М. Янги педагогик технологиялар -+арши. Насаф. 2000.
5. Толипов Ў. ва бошқалар. Педагогик технологиялар. –Тошкент: 2005.

**Маънавий маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари курс тингловчилари учун маъруза матнлари.**

ТАЪЛИМ ИСЛОХАТАЛРИ ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОМИЛИДИР.
2 соат семинар.

**Максад**- «Таълим тугрисида» ги Конун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» хакидаги маълумотларини кенгайтириш.

Узбекистон Республикаси Президенти И.Каримовниниг «2004-2009-йилаларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» тугрисидаги фармони хамда Узбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш чора тадбирлари тугрисида» ги Карори хакидаги тушунчаларини чукурлаштириш.

Таълим тарбия сохасидаги меъёрий хужжатларни билиш ва уларни уз фаолиятида куллай олиш;

**Натижа**;- Таълим тарбия сохасидаги меъёрий хужжатларни педогагик фаолиятларида куллай оладилар.

**Режа:**

1. Таълим сохасини ислох килиш.
2. 1997-й 29 август Олий Мажлиснинг IX сессиясида И.Каримов томонидан таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ислох килиш ассосларини ёритилиши.
3. Комил инсон тарбиясида укитувчини бош вазифаси.
4. Таълим устуворлиги.
5. Узбекистон Республикасининг таълим тизими ягона ва узликсиздир.
6. Таълим сохасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари.

7.Таълим сохасини исслох килишда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва унда маънавий тарбия масалалари.
8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг Миллий моделини хаётга татбик этишнинг ахамияти.
9. Миллий дастурда шахснинг урни ва роли.
10. Узлуксиз таълим кадрлар тайёрлашнинг асосидир.
11. Таълимни ислох килишнинг хозирги боскичидаги энг мухим вазифалари.
12. Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг асосий йуналишлари.

**Адабиётлар:**

И А. Каримов «Баркамол авлод Узбекистон тарракиётининг пойдевори». Тошкент 1997.
И А. Каримов «Узбекистон буюк келажак сари». Тошкент .1998. Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони. «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» тугрисида. Маърифат 2004 й. 21 май. Узбекистон Республикаси Вазирлар Мхкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалаг ошириш чора тадбирлари тугрисида» ги Карори.
Ж.Г. Йулдошев «Таълим янгилаш йулида». Тошкент Укит. 2000.
Таълим тараккиёти ахборотномаси. 1998 –2004. 2005-йил 2-3-4сонлари.

**Шахс маънавияти ва уни шакллантириш омиллари.**
(2соат маъруза)

**Режа:**

1. Шахс маънавияти.
2. Шахс маънавиятига таъсир этувчи омиллар.

**Максад:**

Тингловчиларнинг ўкувчи шахсини маънавий жихатдан шаклланишига таъсир этувчи омиллар хакидаги тушунчаларни чукурлаштириш.

***Натижа**:*

*Ўкувчи шахсини маънавий жихатдан шаклланишига таъсир этувчи омилларни билиб оладилар.*

**Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори» Тошкент 1997 й.
2. И.А.Каримов «Юксак маънавиятсиз келажак йўк» 1996 йил.
3. М.Имомова «Оилада болаларни маънавий ахлокий тарбиясида миллий кадриятлар» Тошкент Фан 1995 й.
4. И Хасанбоев, М.Туранова, О.Хасанбоева «Маонавий- ахлоўий тарбия асослари» Т-2000
5. «Ўкувчи маънавиятини шакллантириш»
6. О.Мусурмонова «Ўкувчиларниинг маънавий маданиятини шакллантириш». Т-фан 1993й
7. Е.Очил. «Мустакилик маънавияти ва тарбия асослари» Т-У-199
8. О.Мусурмонова «Маънавий кадриятлар ва ёшлар» Т-У-1996й

9. А.Эркаев. «Маънавият-миллат нишони» Т-Маънавият 1997й

“Маънавият- инсоннинг, халкнинг,

жамиятнинг, давлатнинг куч- кудратидир. У йук жойда хеч качон бахт- саодот булмайди”.

( Ислом Каримов.”Узбекистон буюк келажак сари”. Тошкент “Узбекистон” нашриёт, 1998. 62- бет.)

Оламдаги саноксиз яратиклар орасида факат одамгина яратувчининг узига хос булган айрим сифатларбилан зийнатланган” Шундай таърифлашга муносиб зот,инсоннинг одамийлик сифатларига эга булган хар бири битта шахс-кишидир.

Шахс маънавиати дэганда нимани тушунмок кэрак? Шахс манавиати хар бир инсондаги мавжуд булган учта куч: жисмоний, аклий, рухий, кучлар ва кобилиятларнинг тудаконли ривожланиши асосида юзага кэлган хайот фаолиатининг мазмуни, маьносидир.Ундаги инсонга хос фазилатлар, эзгу ниятлар эса унинг ички ва ташки дунёсининг шакилланган маъно ва матигидир.

**Маънавиат факат инсонга хос хусусиятдир. Инсон шахсини тирик мавжудодлардан, хайвонот оламинидан фарки унинг онги, тил-забони эканлигини юкорида айтиб утдтик. Худди шунингдек, инсонни хайвонлардан фарки унинг факат еб-ичиш, тана заруратинигина кондириш билан чекланиб Шахснинг «Баъмани», ёки «Бэмаъни» эканлигини намоиш килувчи, курсатувчи, исботловчиомиллар хам унинг маънавиатидир.**

**колмаслиги, унинг хайот фаолиатини онгли ташкил этиши, факат узини эмас, узгаларнинг хам гамини йэйиш, одамларни, ота-онани, ака-ука, опа-сингил, каримдош-уруг, кискаси узи яшаб турган жамият одамларининг хам гамини йейиш, уларнинг хам манфаатини уйлаш инсоннинг инсонийлик бурчи.**

**Инсондаги бу хислатларнинг ривожланиши,тараккий этиши унинг маънавий даражасини белгилайди.**

**Одам боласининг, яъний шахиснинг барча хислатлари, шу даражада ривожлантирилиши, тарбияланишн керакли, унинг таъбиати, калби, хис-туйгулари, тафаккури йетарли шакилланиб, гивожланиб барча гузалликлардан, эзгуликдан шодланиб, хар кандай йомонликдан, кабохатдан, иллатлардан озорланиб, саховат сохибларига, яхши инсонларга мурувват, озор бэрувчига, кабохат эгасига нафрат билан карайдига, унда зарда бера оладигану улар билан тик кураша оладиган булсин.**

**Хаётдаги хар бир нарсага у хох яхшилик булсин, хох кабохат-у йомонлик булсин унга бепарво, локайд каровчи шахис инсон зотига, жамият таракийотига зийон ва захмат келтирувчидир.**

**Инсоният тараккийотидан яна шу нарса маълумки,одам боласи хеч качон узидан-узи мукаррам-у мутабар булибколмайди.У юксак маънавий фазилатлар эгаси булсагина, узидаги уша салбий иллатларни, локайтликни хам бепарволикни хам ва барча инсондаги салбий иллатларнинг келтириб чикарувчи нафс хуружини, лаззатларга булган моиллик иллатларини йенга билсагина, узидаги шундай иллатлар билан кураща олса, уларни йенгквчи иродасини чиниктира олса бундай одам мукаррам инсонинг мартабасига кутарила олади. Шундай шахисгина бой маънавийат эгаси булади.**

**Маънавиатимизнинг буюк намоёндалари утмишдаги аждодларимизнинг бизларга мэрос килиб кодирган асарларини, панд-у насихатларини укисак, ургансак, уларнинг барчасида шахс мвънавий баркамоллик ва комил инсонлик даражасига етиш учун нафсни йенга олишга чакирганини тушуниб оламиз.**

**Улуг мутафаккир Абу-Хомид Газзолий нафс хакида шундай деганлар:** «Эй инсон, билиб куйки, доимо ёмонликни хохлаб турадиган нафс сенга шайтондан хам душманрок дир. Шайтон, нафсингнинг хойи хавоси билан буйнингга миниб олиб сени Оллхнинг йулидан кайтариши мумкин».

**Инсон маънавиятининг кушандаси, шахс маънавиятини тубанлаштирувчи ва уни ковжиратиб, куритиб куйгувчи гаримселсифат кучга эга булган наф жуда хам хавфлидир. Айникса, маънавий камолот ишаклланиб келаётган ёш авлод учун нафс яна хам каттик рок душман хмисобланади.**

**Нафс гуе яйловда юрган бедов отга ухшайди: сен уни жиловлаб олмасанг максад экинларингни пайхон килади. Умид хирмонинг бум-буш колади.**

**Агар сен бедов отни уз амрингга буйсиндирсанг, эгар- жабдук уриб жиловлаб мингсанг, тизгинидан тортиб максад манзилингга бура олсанг сен буюклик сари, умид ва истакларинг сари бора оласан. Худди шунга ухшаб нафсингни жиловлаб, тизгинидан ушлаб**
**бураолиш кувватига эга булишингни узи сенинг юксак маънавият эгаси була олиш кобилиятининг белгисидир.**

**Мана шу хислатларнинг борлиги инсон шахсини улуглайди. Манавий тушунчасини орттириб, шахс маънавиятини шакллантиришга имкон беради.**

**Шахс маънавиятини шакллантиришда инсондаги икки асос модда (яъни жисм ва рух) мавжудлиги доимо мувозанатда булишини таказо килади.**
**« Агар, - деб езади Ж.Тулинов узининг «Кадриятлар фалсафаси» китобида, - шу тартиб бузилиб, моддийлик рухидан устун келиб, рух жисм килган айланиб унга хизмат килгундек булса, унга амалий фаолиятга салбий холатлар авж олиб, ижодий фазилатлар кейинга сурилиб ташланади. Аксинча рухий-маънавий томонлари тараккий этган инсонларда аклу-заковат, инсоф-у диенат, одоб-у ахлок, илму маърифат устун булиб, мол-дунега берилиш, хайвоний нафсларга кул булиш сингари хато ва нухсонлардан холи булади.**

**Рухий-маънавий жихат инсонни инсон киладиган, унинг хаетини гузаллаштирадиган омиллардир.**

**Маънан, рухан, ахлокан камол топган инсон нафсининг кулига айланиб колмайди, таъмагирлик килмайди, еб-ичишни, бойлик туплашни хаетнинг мазмуни деб тушунмайди. Бундай инсон олам сир-асрорларидан хабардор булади, узи ва узгаларни хурмат килади, кадрлайди, узлигини англаб етади, миллий тил, тарихи, маданияти, урф-одатлари, кадриятларини юксак даражада эъзозлайди, улар билан фахрланади. Рухий –маънавий бойлик инсонни бехад гузаллаштиради ва айни пайтда уни емон иллатлардан куткаради, нотугри йулдан кайтариб тугри йулга бошлайди, адолат куч курашиш йулида камарбаста булишига даъват этади».**
**Инсонда учта: жисмоний, аклий ва рухий куч мавжудир. Шу кучлар хар жихатдан ривожланган булса, одам боласи баркамол, маънавияти бой булади.**

**Жисмоний куч асосида мехнат, аклий куч асосида билим ва тарбия, рухий куч асосида эса иймон ва эътикод етади. Агар одам боласида мехнатга кобилият булса, билим ва тарбия олган булса-ю, аммо имон-эътикоди булмаса, бундай одам баркамол инсон була олмайди, бундай одамни маънавий баркамол одам деб хам булмайди. Иймонсиз одам емон одам, максадсиз, режасиз ва хосиятсиз одамдир. Унинг хосиятсизлиги шундаки, иймон-эътикоди йуклиги учун у хамма вакт узини, уз манфаатини устун куяди. Бошкаларни какшатиб булса хам, узини хушнуд килишни уйлайди. Бундай одам нафснинг кулидир. Унинг хосиятсизлиги шундаки, бундай одам пулинг учун, молинг учун еки амалинг, унга тегадиган фойданг учун дуст булади.**

**Яна шуни хам билиш керакки, одам боласи уз- узидан маънавий баркамол булиб колмайди. Хар кандай инсоннинг шахси камол топишида уз-узига мутасаддидир. Инсонниг узидан бошка хеч кандай ташки куч уни инсонга**

**айлантира олмайди. Бошкача килиб айтганда, инсонни инсон даражасига, уни камолот даражасига кутаришда факат узи мутасадди эканлигини унитмаслик жоиз.**

**Инсон хаёт экан бутун умри давомида щсиб ривожланиб, щзгариб боради, болалик щсмирлик ва щспиринлик йилларида шахснинг камол топиши яўўол кщзга ташланади.**
**Ривожланиш дегенда биз шахснинг хам ижтимоий хам аўлий ва маонавий камол топиши жараёнини тушунамиз. Маолумки, одам шахс сифатида дунёга келмайди, балки, унинг шаклланиши аввало хаёт шароитларига боьлиўдир.**
**Хар бир жамиятда шахснинг шаклланиши камол топиши мухим муаммолардан хисобланади. Шу сабабли шахснингг шаклланиш масалаларига тщьри ёндашиш учун шахснинг табиатини, унинг хулў атворини билиш зарур.**
**Шахс ривожланиш жараёни бир ўанча омиллар таосирида содир бщлади:**

1. **Ижтимоий мухит**
2. **Биологик омил**
3. **Тарбия.**

1. **Ижтимоий мухит- шахс маолум ижтимоий тузум махсулидир.Шахснинг хаётий фаолиятида содир бщладиган ижтимоий мухит унга хам ижобий хам салбий таосир кщрсатиши мумкин**
2. **Биологик омил- хар бир инсон туьма хусусиятлар билан дунёга келади. Шундай экан одам боласи туьилгандан сщнг шахс бщлиб шакллашниши етук инсон бщлиб вояга етиши имконияти мавжуд бщлади. Бола- авлод аждодидан кщпгина биологик билимларни мерос сифатида ўабул ўилади. Биологик омиллар шахснинг жисмоний ривожланишига хам таосир кщрсатади. Шахснинг эркин соьлом ота-онадан соьлм фарзанд дунёга келишини унитмаслигимиз керак.**
3. **Тарбия жараёни- тщьри ташкил этилса у шахс камолатига самарали таосир кщрсатади.**

Маонавият мураккаб ва кщп таркибли тушунча, инсон онги, тафаккури, эотиўодини хам бугунги кун илмий ва бадиий ижод ютуўларини хам щтмиш маданий меросни халўнинг урф-одатлари, дин , аноана ва маросимларини хам ўамраб олади. Маонавият тушунчаси ўуюдагиларни билдиради:

- **шахс ва жамиятнинг ижтимоий борлиўни щз фаолият обоекти сифатида англаб олишини.**
- **Шахснинг, миллатнинг муайян хулў атвори ва яратувчанлик фаолияти, борлиўга муносабати, борлиўни ўайта яратиш ёки щзгартиришга доир ижодий режаларини.**
- **Бу режаларни амалга ошириш учун бирдан шахс ва жамиятдаги ўатоият, эрк, иродани хамда жамиятда мавжуд бщлган мафкуравий шарт-шароитни.**

**Демак, маонавият орўали инсон таолим тарбия, жамият билан бир бутунликга эришади, уйьунлашади. Инсоннинг жамиятга ижобий таосири маогнавиятга боьлиў.Инсоннинг маонавияти унинг одоби, хулўи, маданиятидан ташкил топади.Маонавият эса аўлий, ахлоўий, хуўуўий иўтисодий ва сиёсий билимлар замирида шаклланади.**

**Умумтаълим мактаблари маънавий – маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарларининг мксад ва вазифалари.**

**2соат маъруза.**

**Режа:**

1. Директор ўринбосарининг асосий максади
2. Директор ўринбосарининг асосий вазифалари
3. Директор ўринбосарига кўйиладиган асосий талаблар
4. Директор ўринбосарининг хукуклари
5. Директор ўринбосари ишини режалаштириш ва ташкил этиш

**Максад:** Директор ўринбосарининг максад ва вазифалари хакидаги тушунчаларини чукурлаштиритш.

**Адабиётлар**:


1. И.А.Каримов «Баркамол авлод Ўзбекистон тараккийётининг пойдевори»Тошкент 1997 йил.
2. Ўкувчи маънавиятини шакллантириш. Ўкитувчи 2000 й
3. Маънавий-маърифий тарбия асослари. Хасанбоев, Хасанбоева.
Ўкитувчи 2000 й
4. Маънавият миллат нишони. Т.1999й


Маънавий - маърифий тарбия ишлари бўича директор ўринбосари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Таълим тўрисида»ги Конунлар, Президент Фармонлари, Хукумат карорлари, Халк Таълими Вазирлиги ва бошка юкори ташкилотларнинг карори. буйрук ва меъёрий хужжатлари талаблари асосида иш олиб боради.

Умумий ўрта таълим муассасаларида маънавий маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосарлари ота-оналар ва кенг жамоатчилик билан хамкорликда укувчи ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларнинг онгига она Ватанига , халкига ва унинг бугунги бунёдкорлик ишига эхтиром билан караш рухида тарбиялашга рахбарлик килади. маънавий маърифий тарбия ишлари бўйича директор ўринбосар лавозимига камида 5 йил педагогик стажига эга бўлган кобилиятли, махалла, ота-оналар ва кенг жамоатчилик ўртасида хурмат эхтиромга лойик бўлган туман(шахар)халк таълими бўлими томонидан тайинланади ва бўшатилади.

Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, миллий мафкурани шакллантириш, ёшларни бой тарихий ва бой меросимиз, миллий анъаналаримиз, умуминсоний кадриятларимизга хурмат, Ватанга мухаббат, истиклол гояларига садокат, аклий ва маънавий жихатдан баркамол, иктисоидй ислохатларининг мохиятини тушунадиган хамда уларни янги ижтимоий муносабатлар оркали хаётга тадбик эта оладиган, миллий гоя ва истиклол мафкураси мустахкам бўлган шахсларни шакллантириш директор ўринбосарлари фаолияти максадининг асосини ташкил этади.

Укувчи ёшлар дунёкарашини шакллантиришда миллий ва умуминсоний кадриятлар, халкимизнинг бой тарихий, маданий ва маънавий мероси асосида уларни ватанпарварлик, мехнатсеварлик, инсонпарварлик, иймон- эътикод, мехр шавкатлилик каби инсоний фазилатлар мисолида хар томонлама баркамол авлодни тарбиялайди.

- «Таълим тўгрисида»ги Конун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» Республика Олий мажслиси сессияси материаллари, Президент Фармонлари, асарлари, хукуматимиз карорлари, таълим бошкарув органлари меъёрий хужжатлари, талаблари асосида ўз ишини амалга оширади;

- директор ўринбосарлари тарбиявий ишларни режалаштиришда, синф рахбарининг кизиўишлари, топшириклари кай даражада бажаришларини хисобга олади;
- Укувчиларда Ватанга мухаббат, Узбекистон Республикаси Президенти, Конститутцияси ва давлат рамзларига садокат хисларини тарбиялайди;
- маънавий, аклий, жисмоний, баркамоллик, хукукий саводхонлик, мехнатсеварлик, истеододли ёшларни аниклаш, «Оила, махалла, мактаб» концепциясини хаётга тадбик этиш рухида тарбиялайди;
- ёшларимиз онгига она Ватанга, буюк аждодларимиз мероси ва халкимизнинг бугунги бунёдкорлик ишларига юксак эхтиром туйгуларини сингдириб боради;
- Кадимий тарихий ёдгорликлар ва мустакиллик йилларига бунёд этилган маърифат масканларига, табиатимиз куйнига саёхатлар, музей ва коргазмаларга экскурсиялар ташкил этади;
- ота-оналарни мактабга таклиф этиш, хокимият ўошидаги вояга етмаганлар билан ишловчи комиссия ишида, корхоналардаги мактаб хамкорлик кенгашларида, бола таолим тарбияси билан боьлиў бщлган йиьилишларида, мактабдаги тарбия муаммоларига баьишланган барча назарий-амалий методик ишларда ўатнашади;
- бошўа таолим-тарбия масканлари иш тажрибасини щрганади;
- педагогик кенгаш ёки синф рахбарлари методика бирлашмалари кенгашларига ўщйилган масалаларни мухокама ўилади;
- тарбиявий ишларга барча щўитувчилар жамоаси «Камолот» жамьармаси ва бошўа ташкилотлар, болалар етакчиси, щўувчилар, мураббийлар, махалла ва ота-оналар ўщмитаси аозоларини жалб этади, улар ишларини мувофиўлаштиради;
- мактабдан ва синфдан ташўари тарбиявий ишларни йщлга ўщйишда барча тщгарак бирлашмаларга, эркин фикрловчи, «Фидокорлар» клубига щўувчиларни синф рахбари билан хамкорликга жалб ўилади ва мунтазам равишда назорат ўилиб боради;
- исломдаги мавжуд юксак маонавий умуминсоний ўадриятларни, маданият ва маонавиятнинг ривожланишига уларнинг таосирини, дунёвий давлат ва уларнинг щрни ва ролини щрганади хамда уларни очиб беради;
- ислом ва республика ахолиси эотиўод ўиладиган бошўа динларнинг тарихий, илмий асослари тщьрисида алохида чуўур билимларни дунё динлари тарихи воситаси орўали шакллантиради;
- Экстремизм ва диний аўидапарастликнинг хар ўандай шакллари реакцион мохиятини кенг тушунтириш, унинг ёшларга таосирининг олдини олиш бщйича чора- тадбирлар ишлаб чиўади хамда уни хаётга тадбиў этади;
- педагогик тарьибот ишларини олиб боради;
- синф ва тщгарак рахбарлари билан маонавий маорифий, тарбиявий ишларни олиб боради хамда методик адабиётлар банкини ташкил ўилади;
- мамлакатимизда нишонланадиган умумхалў байрамлари: Мустаўиллик, Конститутция, Хотира ва ўадрлаш куни, Наврщз, Халўаро хотин- ўизлар, Биринчи ўщньироў, Охриги ўщньироў каби ананоавий байрамларни тарбиявий жихатдан юўори савияда щтишини таоминлайди.
- таолим муассасаларида Щзбекистон Республикаси халў таолими вазирилиги томонидан Давлат рамзларига амал ўилиш бщйича жорий этилган тартиб асосий фаолият кщрсатади;
- щўувчилар онгига мустаўиллик мафкураси ва миллий ьояни сингдиради.
- кутубхона, маонавий тарбия ишалрига рахбарлик ўилади.

Директор щринбосарлари щўувчиларга нисбатан мехр ва мухаббат, педагогик жамоасига ва ота-оналарга нисбатан талабчан бщлган холда иш тутишда ва мунтазам щз устида ишлаб, сабр бардошли, щз фикрларини пухта баён ўилиб, щзгаларни щзига жалб ўила оладиган хислатларни щзига мужассамлайди.

Давлат ва хукуматимиз томонидан ўабул ўилинган барча хужжатлар мохиятини, Президент асарларини яхши билиш уни щўувчи ёшлар орасида тарьиб эта олиш, щзбек халўи миллий урф одатлари, ўадриятлари, алломалари щгитларини яхши билишлари лозим.

- мамлакатимизнинг ички ва ташўи сиёсатини яхши билиш ва доимо щз фаолиятида хисобга олиш, тарбиявий ишларни ташкил этишнинг илмий асослари хамда янгича усул ва методларини яхши билиш;
- радио, телевидения ва оммавий ахборотнинг бошўа воситалари орўали берилган энг сщнги янгиликлардан бохабар бщлиш хамда уларнинг мохиятини щўувчиларга етказа олиш;
- мунтазам равишда щз малакасини ошириб туриши, щз сохаси бщича щтказиладиган семинарларда иштирок этиш.

Низомда берилган вазифалар билан боьлиў равишда тегишли педагогик ходимларга кщрсатма беради.

Хизмат вазифасидан келиб чиўган холда синфдан ва мактабдан ташўари ишларни ташкил этиш ва янги тщгаракларни очиш масалаларинихал ўилади.

- синф рахбарининг таолим тарбия ишлари бщйича эришилган ютуўларни хисобга олиб, уни таўдирлаш учун директорга таклиф киритиш;
- синф рахбарининг щз вазифасига нисбатан маосулиятсизлиги ёки суистеомол ўилинганлиги учун директор билаг келишилган холда танбех бериш;
- болани яхши тарбиялаган ота-оналарни, мактабга ёрдам берган махалла фаолларини таўдирлаш учун директорга таклиф бериш хуўуўига эга.

Директор щринбосарлари билан ўуйидаги ишларни ўилиши керак:

- синф рахбарларини иш режасини директор билан хамкорликда тасдиўлаш;
- мактабда щтказиладиган спорт мусобаўалари режасини директор билан хамкорликда тасдиўлаш;
- турли холдаги тщгарак ишлари режасини директор билан хамкорликда тасдиўлаш.

Маънавий-маърифий ишлар бщйича директор щринбосари щз ишини режа асосида олиб боради ва унинг бажарилишини назорат ўилади.

Синфдан ва мактабдан ташўари тарбиявий ишларни режалаштиришда мактабнинг умумий режаси, щўитувчилар, синф рахбарлари, болалар етакчиси, ота-оналар ўщмитаси иш режаларини эотиборга олиши керак.

Мактабдан ва синфдан ташўари щтказиладиган барча тадбирларни мунтазам кщриб бахолайди.

Директор ўринбосарининг иш режаси мактаб директори томонидан тасдикланади.

Ишни режалаштиришда болаларнинг ёш хусусиятларига, мактаб жойлашган вилоят, шахар, туманнинг шарт-шароити, хусусиятларин жойлардаги ижодий бирлашмалар, илмий марказлар билан ўзаро алокаси каби ишларни инобатга олади.

Маънавий маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари кайта тайёрлов курсларида ўз малакасини ошириб боради.

Директор ўринбосарининг фаолиятини ифодасини топган хужжатлар рўйхати Халк Таълими Вазирилиги томонидан доимий равишда берилиб боради.

Мактаб маънавий-маърифий ишларни тарбиявий жараённи бошкаради.Ёшларни ватанга садокат, миллий гурур, юксак ахлок ва буюк аждодлар меросига хурмат рухида тарбиялашга каратилган манавий-марифий, тарбиявий ишларни режалаштиради ва бажарилишини таминлайди.Талим жараёнида ва укишдан ташкари вактда маънавий

марифий тарбиявий ишларни ташкил этишда мактаб педагогларига услубий ва ташкилий ёрдам корсатади.Гурух рахбарлари ва тарбиячиларнинг ишларни ташкил килади.Сардорлар ишини ташкил килади, уларнинг ишларига бошчилик килади.Укувчилар томонидан лицейнинг ички тартиб коидаларига риоя килишни назорат килади.Маданий-марифий, согломлаштириш ва бошка тадбирларни утказишни бошкаради.Илмий педагогик кенгаш йигилишлари учун материаллар тайёрлайди.Педагогик кадрларни аттестациядан ктказишда ваколати доираси катнашади.Манавий-марифий ишларни такомиллаштириш буйича таклифлар киритади.Укувчиларни баркамол инсон килиб тарбиялашда «Соглом авлод учун», «Олтин мерос», «Махалла», «Камолот» ёшлар жамгармалари, касаба уюшмалари ташкилоти ва бошка корхона, муассаса ва ташкилот хамда ижодий уюшмалар билан хамкорликда иш олиб боради.Ёш авлодни манавий ахлоўий шакллантиришда халкнинг бой манавий-маданий тарихий анааналарига, урф-одатлари ва умумбашарий кадриятларига асосланган тарбиявий ишларни олиб боради.Кутубхонани укув, илмий ва бадиий адабиётлар билан тулдиради, кутубхонанинг ишларига рахбарлик килади.Укувчилар билан олиб бориладиган тарбиявий ишларга ота-оналар, махалла комиталари, хукукий орган ходимлари ва жамоатчиликни жалб килади.Жисмоний тарбия, ёшларни харбий хизматга тайёрлаш, рахбарлар ва укитувчилар билан биргаликда кечалар, оммавий спорт ва харбий ватанпарварлик ишларини утказишни таминлайди. Лицейнинг укув биноси ва талаблар уйида «Маонаивят ханалари»ни ташкил килиб, укув хоналарининг манавий марифий рухда ва дизайн талабларида жихозланишини назорат килади. Тарбия ишлари буйича илгор тажрибаларни умумлаштиради ва хаётга тадбик этади.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тўгрисида»ги , «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» тугрисидаги конунларни, инсон ва бола хукуклари тугрисидаги конвенцияларни, давлатнинг ички ва ташки сиёсатини, таълим ва ёшлар тугрисида хукумат томонидан кабул килинган фармон ва карорларни таргибот килиш усулларини, Мустакил Узбекистон рамзларининг мазмун ва мохиятини, «Соглом авлод учун», «Олтин мерос», «Махалла», «Камолот» касаба уюшма ташкилотлари «Маънавият ва маърифат » жамоатчилик марказлари фаолиятини, ёшлар ва усмирлар харакатининг йуналишлари ва конуниятлари ва ёшлар хукуклари таълим ва педагогика фанининг асосий йуналишлари ва тараккиёти ва истикболини, миллий анъаналар ва урф одатларни, ёшларни тарбиялаш хамда укитиш масалалари буйича хукумат ва давлатнинг бошка органлари карорлари, педагогик кадрлар ва тарбиячилар малакасини ошириш буйича меъёрий хужжатларни: укувчилар ва уларнинг ота-оналари билан якка тартибда иш олиб боришни, укувчиларнинг уз-узини бошкариш, дам олиши, маданий хордик чикариш усул ва шаклларини, педагогика, психология, ёшлар физиологияси, тарбиявий ишлар услубиётини, турли хил укувчилар ва педагоглар жамоасини шакллантириш ва уларни бошкариш масалаларини, мамлакат ва хориждаги педагогика фани хамда тажрибаси ютукларини: укувчиларни тарбиялаш ва ривожлантириш асосларини, буш вактни унумли ташкил этиш услубиётини, укувчиларни тарбиялашда давлат институтлари, жамоатчилик ташкилотларининг фуекциялари ва хукукларини, мехнат конунчилик асосларини, мехнатни мухофаза килиш, ёнгиндан сакланиш меъёрий коидаларини билишлари зарур.

**Маънавий - маърифий тарбия ишларига тегишли хужжатлар.**

**Максад:**

Тингловчиларга хозирги куннинг мухим талабларидан бири ўкувчиларни маънавий тарбиясини амалга ошириш, уларни маънавий баркамол килиб тарбиялашда маънавият ва маърифат хонасининг тарбиявий ахамиятини кенгрок билиб оладилар. Мактабда маънавий – маърифий ишларни йўлга кўйишда зарур бўлган иш хужжатлари, хамда уларни юритиш тартиблари тўгрисидаги тушунчаларини чукурлаштириш.

**Режа:**

**1. «Маънавият ва маърифат хонаси»нигнг иш фаолиятини ташкил этиш, иш режаси.**
**2. Ўкувчиларни маънавий тарбиясида маънавият ва маърифат хонасининг тутган ўрни.**
**3. «Маънавият ва маърифат хонаси» учун бўлим мавзулари.**
**4. Директор ўринбосарларининг фаолияти ифодасини топган хужжатлар.**

**А) йиллик, ойлик иш режалари.**
**Б) юкори ташкилотлардан томонидан юборилган хужжатлар билан ишлаш.**
**1. Сакланиш.**
**2. Амалга оширилиши.**
**3. Назорат.**
**5. Тарбиявий тадбирлар.махалла хамкорлиги.**
**6. Вояга етмаган.тарбияси кийин булган болалар билан ишлаш.**

**Адабиётлар:**

**Ўкувчи маънавиятини шакллантириш. Тошкент 2001й.**
**Маънавий ахлокий тарбия асослари. Тошкент ўкитувчи 2000й.**